

Ёшлар вакиллигига номзодлар сараланмоқда



Ёшлар ишлари агентлиги ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят филиали “Маҳаллада Ёшлар ишлари агентлиги вакили” номзодлигига очиқ танлов эълон қилган эди. Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 30 та маҳаллада “Маҳаллада Ёшлар ишлари агентлиги вакили” номзодлигига 200 га яқин ёшлар ариза топширишган. Айни дамда вилоят ҳокимлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят филиали, туман ҳокимлиги ва бошқа масъуллардан иборат ишчи гуруҳи томонидан номзодлар билан суҳбат бўлиб ўтмоқда.

Суҳбат якунларига кўра 30 нафар номзодлар “Маҳаллада Ёшлар ишлари агентлиги вакили” лавозимига саралаб олинади.

Малумот учун Термиз туманида 30 та МФЙ мавжуд бўлиб, ҳар бир маҳаллада 1 нафардан Ёшлар ишлари агентлиги вакили қабул қилинади.

